

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ
ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕР КАДАСТРИ ФАКУЛЬТЕТИ

Геодезия ва ер кадастри кафедраси

«Химояга рухсат этилсин»

кафедра мудири

_____ **доц.Қ.Р.Рахмонов**

«__»_____ 2013 й.

**«Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани “Қайтмас”
массив ерларини баҳолаш картасини тузиш»
мавзусидаги**

Б И Т И Р У В М А Л А К А В И Й И Ш И

Бажарувчи:

Нозимов А.

Раҳбар:

Асс. Абдурахмонов С.

Маслаҳатчи:

доц. Эгамбердиев А.

ХФХ бўйича маслаҳатчи

асс. Саидходжаева. Н.

Тошкент –2013

Мундарижа

Т.р.	Иш мазмуни	Бет
1	Битирув малакавий ишининг топшириғи	
2	Битирув малакавий ишининг дастури	
3	Кириш	
4	1-боб. Вилоятининг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи.	
5	2-боб. Ерларни баҳолашда бажариладиган ишлар тартиби	
6	3-боб. Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани “Қайтмас” массив ерларини баҳолаш картасини тузишда замонавий усуллар.	
7	Хулоса	
8	Адабиётлар	
9	Иловалар	

Тошкент ирригация ва мелиорация институти
Ердан фойдаланиш ва ер кадастри факультети
5540100-«Геодезия, картография ва кадастр» бакалавриатура таълим
йўналиши
Геодезия ва ер кадастри кафедраси

«Тасдиқлайман»

кафедра мудири

_____Қ.Р.Рахмонов

“ ____ ” _____ 2013 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба Нозимов Абдорхон Хожакбар ўғли

Битирув малакавий ишининг мавзуси : *“Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани
«Қайтмас» массиви ерларини баҳолаш картасини тузиши”*

1. “ ____ ” . 201 ____ йил № ____ -сон кафедра мажлисида маъқулланган
Битирув малакавий ишини топшириш муддати « ____ » 0 ____ . 2013 йил

2. Битирув малакавий ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар :
**Статистик маълумотлар, ишлаб чиқариш амалиёти даврида йиғилган
маълумотлар ва материаллар**

3. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган
масалалар рўйхати).

**1. Кириш. 2. 1-боб. Вилоятининг табиий, иқтисодий ва ижтимоий
шароитлари тавсифи. 3. 2-боб. 4. 3-боб. Тошкент вилояти Ўртачирчиқ
тумани “Қайтмас” массив ерларини баҳолаш картасини тузишда
замонавий усуллар. 5. Хўлоса. 6. Фойдаланилаган адабиётлар рўйхати. 7.
Иловалар.**

4. Чизма ишлари рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади).

1. Массив ерларининг тархи. (Электрон варианты)

2. Массив ерларини түпроқ картаси. (Электрон варианты)

3. Жадваллар. (Слайд кўринишда)

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчилар.

Т.р	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1	2	3	4	5
1	<i>Хаёт фаолияти хавфсизлиги</i>	<i>Н. Саидходжаева</i>		

7.Битирув малакавий ишини бажариш режаси.

Т.р	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажариш муддати			Текширувдан ўтганлик муддати
		Сана	куни	%	
1	<i>БМИни бажариш учун топшириқ олиш ва ишчи дастурни ишлаб чиқиш</i>		3	4	
2	<i>1-боб «Вилоятининг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи»ни ёзиш</i>		6	12	
3	<i>Массивнинг ер турлари ва қишлоқ ҳўжалик экинлари туширилган тарҳини чизиш</i>		5	19	
4	<i>2 -боб. Ерларни баҳолашда бажариладиган ишлар тартиби.</i>		21	47	
5	<i>Массив ерларини тупроққартасини тузишда ГАТ дастурида электрон картасини чизиш</i>		7	56	
6	<i>3-боб Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани “Қайтмас” массив ерларини баҳолаш картасини тузишда замонавий усуллар.</i>		18	81	
8	<i>Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатини тузиш</i>		4	93	
9	<i>БМИни расмийлаштириш ва кафедрага топшириш</i>		5	100	

Битирув малакавий иши раҳбари

С. Абдурахмонов

Топшириқни бажаришга олдим

А.Нозимов

Топшириқ берилган вақти.

“ ” .2013 й.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти
Ердан фойдаланиш ва ер кадастри факультети
5540100-«Геодезия, картография ва кадастр» бакалавриатура таълим
йўналиши
Геодезия ва ер кадастри кафедраси

«Тасдиқлайман»
кафедра мудири
_____Қ.Р.Рахмонов
“ ____ ” _____ 2013 йил

**“Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани «Қайтмас» массиви
ерларини баҳолаш картасини тузиш” мавзусида бажариладиган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ Д А С Т У Р И

БМИни бажарувчи
Раҳбар

А.Нозимов
С. Абдурахмонов

Тошкент- 2013

1-Боб. Вилоятининг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи

1.1. Тошкент вилоятининг географик ўрни

1.2. Мамлакатимизнинг тупроқлари ва уларнинг сифат ҳолати

1.3. Ўзбекистон Республикасида тарқалган тупроқлар ва уларнинг хусусиятлари

1.4 “Қайтмас” массивининг табиий шароитлари тавсифи.

2 -боб. Ерларни баҳолашда бажариладиган ишлар тартиби.

2.1. Массивда ерларни баҳолаш бўйича куйидаги тартибда бажарилади.

2.2. Тупроқ бонитировкаси ҳамда ерларни иқтисодий баҳолаш.

2.3. Суғориладиган ер майдонларини иқтисодий баҳолаш

2.4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

3-боб. Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани Қайтмас массиви ерларини ҳисобга олиш электрон рақамли планини тўзиш

3.1. Объект электрон карталар автоматлашган тизимини яратиш масалалари

3.2. “Қайтмас” массивининг табиий шароитлари тавсифи.

3.3. Массив ерларини баҳолаш планини электрон рақамли кўринишда яратишнинг афзалликлари.

Х у л о с а

Фойдаланилган адабиётлар рўйхат

И л о в а л а р

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида- "Ер ресурслари республиканинг миллий бойлигидир"- деб қайд қилингани ундан оқилона ва самарали фойдаланиш зарурлигидан далолат беради. Бу эса кўп жихатдан ернинг энг муҳим хоссалари ва хусусиятлари қанчалик чуқур ва ҳар томонлама ўрганилганлигига боғлиқ. Энг аввало, ердан оқилона фойдаланишга йўналтирилган, илмий асосланган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга изчиллик билан ёндошиш ва амалда тўпланган тажрибаларга риоя қилган ҳолда ташкил этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Геодезия ва картография тўғрисида"ги, "Давлат ер кадастри тўғрисида" ги, "Ер кодекси" ва бошқа қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида Давлат кадастрларининг ягона тизимини яратиш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш тўғрисида" 1998 йил 31 декабридаги 543-сонли "Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисида"ги қарорлари ва бошқа қатор меъёрий ҳужжатлар ерлардан фойдаланишни ташкил этиш ҳисобланган ер кадастрига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Натижада ерга эғалик қилиш ва ердан фойдаланишда янги шакллар вужудга келди, ҳамда ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар доираси кенгайди ва албатта картографик маҳсулотларнинг янги авлодларини яратиш, ер кадастри карта ва планларини географик ахборот тизимлари манбалари асосида лойиҳалаш ва тузиш вазифалари қўйилди.

Ёрни ҳар томонлама яхшилаш, унинг унумдорлигини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш – бу иқтисодий тармоқларини, жумладан қишлоқ хўжалигини юритишнинг илмий тизими асослари ва ердан юқори маҳсулдорлик билан фойдаланишдир. Ердан тўғри фойдаланиш, замон ва маконда ҳар хил ўсимлик турларининг илмий асосланган кетма-кетлигини жорий этиш, тупроққа экологик "тоза" ишлов бериш усуллари қўллаш, ўғитлаш, қулай агротехник муддатларни амалга ошириш, ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш, тупроқ эрозиясига қарши

кураш каби муайян элементлар аниқ қонунчилик йўли билан бошқаришни талаб қилади. Бунда ҳам ер кадастрини юритишда геодезия ва картографик маҳсулотлар омили, ер ресурсларидан фойдаланишни бошқаришнинг муҳим ричаги сифатида намоён бўлади.

Давлат ер кадастри муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Унинг маълумотларидан иқтисодиёт тармоқларининг турли-туман масалаларни ҳал қилишда, жумладан ер солиғи, ер майдонларига ижара ҳақи миқдорларини белгилашда, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорликларини режалаштиришда, ер тузишда ва умуман ердан фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал қилишда кенг қўлланилади.

Республиканинг бошқа ҳудудлари бўйича - Ўзгеодезкадастр давлат қўмитасининг туман ер ресурслари бўйича туман хизмати томонидан амалга оширилади. Ерлардан оқилона фойдаланишни ташкил этишда, ер тузиш ишларини илмий асосланган ҳолда бажариш ер кадастрининг аҳамиятини ҳисобига мамлакатимизда юқори малакали ер тузувчи, ер кадастри, геодезиячи, картограф каби бир - бирига яқин бўлган мутахассислар жалб қилиниши давр талабидир.

Ер ресурслари тўғрисидаги турли-туман маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишда математика, статистика, геодезия, фотограмметрия ва картография услубларидан фойдаланилади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда танланган малакавий битирув ишининг мавзуси шу куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Ушбу мавзу билан ишлашда юқорида келтирилган ташкилотлар билан ҳамжихатликда, улардаги технологияларни ўрганган ҳолда фойдаланилди.

**1-БОБ. ВИЛОЯТИНИНГ ТАБИЙ,
ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ
ШАРОИТЛАРИ ТАВСИФИ**

1.1. Тошкент вилоятининг географик ўрни.

Тошкент вилояти Чирчиқ – Охангарон райони билан Ғарбий Тяньшанъ тоғлари оралиғида жойлашган. Табиий географик районнинг шимоли – ғарбий чеккаси Ўзбекистон билан Қозоғистон орасидаги чегарага тўғри келиб, Талас водийси, Ҳоржантағ ва Угом тизмаларидан ўтади. Шарқий чеккасидаги Қирғистон билан чегара Талас, Писком ва Чотқол тоғлари орхали ўтади. курама тизмаси Чирчиқ - Охангарон табиий географик райони билан Фарғона водийсини бир – биридан ажратиб туради. Жануби – ғарбий чегараси Сирдарё, бўйлаб ўтади.

Мазкур табиий район Ҳоржантағ ва Угом тизмаларининг жанубий ёнбағирларини, Писком ва курама тизмаларининг шимоли – ғарбий ёнбағирларини, Чотқол тизмасининг ғарбий қисмини, Писком, Чирчиқ ва Охангарон водийларини, шунингдек, Дарварзин чўлини ўз ичига олади.

Чирчиқ – Охангарон табиий географик райони обод воҳа ва мафтунқор ўлка бўлиб, қадимий маданий марказлардан биридир. Чирчиқ – Охангарон райони шимоли – шарқдан жануби – ғарбга 280км шарқдан эса 180км чўзилган.

Рельефи. Районнинг ер юзаси анча мураккаб бўлиб шимоли – шарқдан жануби – ғарбга Сирдарёга томон аста – секин пасайиб боради. Энг баланд ерлар районнинг шимоли – шарқ ва шарқида жойлашган. Жануби – ғарбий қисми текисликдан иборат.

Чирчиқ – Охангарон районидаги тоғлар полеозой, мезозой ва кайназой эралари жинсларидан таркиб топган. Тоғларда гранит, полеозой оҳактошилари, кумтош ва сланецлари, тоғ ёнбағирларида ва дар, водийларида палеоген, неоген, антропоген даврларининг шағал, кум ва гил қатламлари кенг тархалган.

Район рельефининг таркиб топиши полеозой эрасида бошланган. Тоғлари аввал каледон, кейин герцин бурмаланишида кўтарилган, сўнгра ташқи кучлар таъсирида емирилган. Чирчиқ ва Охангарон дар, ва водийларини мезозой эрасида денгиз қоплаган. Альп бурмаланиши даврида

районнинг ер юзаси жуда ўзгарган вертикал ҳаракатлар рўй берган ҳамма ер куруқликка айланган. Айрим жойларда ўзилмалар, ёриқлар вужудга келиб тоғ тизмалари ва ботиқлар пайдо бўлган. Район ер юзасига кейинчалик оқар сувлар катта таъсир кўрсатган ва водийлар вужудга келган.

Чирчиқ– Охангарон районида тектоник ҳаракатлар, бинобарин, ер юзининг ўзгариши ҳали ҳам давом этмоқда. Бу районда рўй бериб турадиган кучли зилзилалар тоғларнинг кўтарилиши ҳамон давом этаётганлигидан далолат беради.

Райондаги тоғ тизмалари Фарбий Тянь – Шань тоғ тизмасининг тармоқларидан иборат бўлиб уларни дар, водийлари кенг сойликлар тор зоврлар бир – биридан ажратиб туради.

Угом тоғларининг ўртача баландлиги 3000 – 3300 м. Тоғ тепасида ёзда ҳам қор эриб туғамайди. Угом тизмасининг тепалари қиррали, ёнбағирлари оқар сувлар иши натижасида парчаланиб кетган.

Тоғнинг ғарбий ёнбағридан параллел йўналишда Қоржантоғ тизмаси ажралиб чиқади. Тоғ Угом тизмасидан анча паст , ўртача баландлиги 2000 м га яқин. Қоржантоғнинг ғарбий ёнбағри плато ва текисликларга айланиб кетган, шарқий ёнбағри эса тик.

Писком тизмасининг ўртача баландлиги 3000 – 3300 м . Энг баланд нуқтаси Бештор чўққиси бўлиб унинг баландлиги 4299 м дир. Чўққи Чирчиқ –Охангарон районидаги энг баланд нуқтадир.

Чотқол ва Кўксув дарёлари оралиғида камар ёнбағирлари тикка юриш қийин бўлган Кўксув тизмаси жойлашган. Унинг ўртача баландлиги 2000 м дан ортиқроқ.

Пискомга параллел ҳолда Чотқол тизмаси йўналган. Унинг шимоли ёнбағри анча тик унинг жанубий ёнбағри эса Чотқол платосига тутшиб кетган. ёнбағирларнинг дарёлар парчалаб юборган.

Чотқолнинг Ўзбекистон ҳудудидаги қисми бирмунча пастроқ. Айрим жойларнинг баландлиги 3000м дан ортади. Масалан, Катта Чимён тоғи 3309м. Қизилнура тоғи 3267 м. Охангарон платоси Қизилнура тоғи билан

Қурама тизмасы орасида жойлашган. Унинг ўртача баландлиги 1000 – 2000 м. Ғарбий қисми анча паст (300 – 4000м) , шарқий қисми баланд бўлиб унинг баъзи жойлари 3000 гача етади. Чотқолнинг шимол томонидаги Чимёнсой гўзал манзарали жой бўлиб унда туристик база ва дам олиш сихатгоҳлари ташкил этилган. Чотхолдан жануби – ғарбга қурама тизмасы ажралиб чиқади. Унинг ўртача баландлиги 2000м.

Тоғ тизмалари оралиғида жойлашган Чорбоғ сойлиги, Чотқол, Писком, Угом ва Оҳангарон водийлари тектоник ҳаракатлар натижасида вужудга келган. Уларининг ер юзаси тўртламчи давр ётқизиклари билан қопланган.

Ташки кучлар, айниқса оқар сувлар водийларда ўзига хос рельеф шакилларни – қайирлар, террасалар, ёйилма конуслари, дараларни вужудга келтирган. Чирчиқ дарёсидан бошланадиган қадимий каналлар лёсс жинсларини ювиб, жарлар ҳосил қилган. Тошкент атрофидаги Қорақамиш канали ҳосил қилган жарнинг чуқурлиги 10м дан ортади.

Чирчиқнинг ўрта оқимида Угом, Писком ва Чотқол тоғлари оралиғида Чорбоғ сойлиги жойлашган. Чорбоғ сойлигидан чиқаверишдаги тор йўлакка баланд тўғон қурилиб, йирик сув омбори ва ГЭС бунёд этилган.

Чирчиқ водийсининг тоғдан чиқиб кенгайган қисмида Тошкент воҳаси бунёдга келган. Республикамиз пойтахти Тошкент шаҳри бу воҳада Чирчиқнинг учунчи, тўртинчи террасаларида жойлашган.

Иқлими. Чирчиқ-Оҳангарон районнинг географик ўрни ва рельефининг тўзилиши унинг иқлимига катта таъсир этади. Районнинг жанубий-ғарбий текислик қисмида Арктикадан келадиган совуқ, ғарбдан келадиган илиқ ва нам ҳаво массалари таъсири катта бўлади. Районнинг шимолий-шарқий тоғли қисмига ҳам ғарбий нам ва илиқ шамоллар бемалол қириб кела олади. Шу сабабли районнинг шимолий-шарқий тоғлик қисмлари намроқдир. Чирчиқ-Оҳангарон районининг ёзи, айниқса текислик қисмида иссиқ ўзоқ давом этади ва деярли ҳамма вақт ҳаво очиқ бўлади. Июль ойининг ўртача

температураси текисликда 26° - 27° , тоғли қисмида эса 20° - 24° . ёзда ҳавонинг максимал температураси 42° ва ҳатто 44° гача кўтарилиши мумкин.

Чирчиқ-Оҳангарон районида ёзда куёш нури анча тик тушади. Июнь ойида куёшнинг горизонтдан баландлиги Тошкентда 72° гача етади. Март ва сентябр ойларида куёш горинзонтдан 49° , декабрда эса 25° баланд кўтарилади. Шунинг учун ҳам район иқлими анча иссиқдир. Йилнинг ўртача 210 кунни совуксиз ўтади; яъни ҳаво температураси 0° дан юқори бўлади. Ҳар бир кв см юзага йил давомида келадиган ялпи радиация миқдори 150 ккал га тенг.

Қиш унча қаттиқ эмас. Январь ойининг ўртача температураси текисликда -1° , -3° , тоғли қисмида -4° , -8° . Қишда баъзан илиқ кунлар бўлиб туради. Совуқ ҳаво массалари келганди температура -30° гача пасаяди. Қиш ва баҳор фаслларида об-ҳаво тез-тез ўзгариб туради.

Чирчиқ-Оҳангарон районида ёз билан қиш температураси орасидаги фарқ (йиллик амплитуда) ҳам, кундўзги ва тунги температуралар фарқи ҳам анча катта. Иқлими умуман континентал иқлим. Чирчиқ-Оҳангарон ҳудудида ёғин миқдори жуда нотекис тақсимланган. Шимолий-шарққа, яъни текисликдан тоққа томон ёғин миқдори ортиб боради. Бунга асосий сабаб ғарбдан келувчи нам ҳавонинг тоғларга келиб тўпланишидир. Районнинг жанубида, Сирдар, соҳилларида бир йилда 300 мм ёғин тушса, Тошкентда 367 мм, Писком қишлоғида 756 мм ёғин ёғади. Писком водийсининг юқори шимоли-шарқий қисмида йиллик ёғин миқдори бундан ҳам ортиб, 800 мм га яқинлашиб қолади. ёғин, айниқса баҳорда кўп ёғади. Қишда ва баҳорда ўртача кенгликларнинг ҳаво массалари билан тропик ҳаво массалари тўқнашадиган чегара 35° - 45° шимолий кенгликлар орасида жойлашиб, ёғиннинг шу фаслларида кўп ёғишига сабаб бўлади. Март ёғин ёғадиган ойдир. Йиллик ёғиннинг 20%ига яқини шу ойга тўғри келади. Июль, август ва сентябрь ойларида ҳаво айниқса қуруқ бўлади, ёғин деярли ёғмайди, қишда текисликларда қор узок турмайди тоғларда эса қалин бўлади ва анча узок вақт эримай ётади.

Сувлари ва тупроқлари. Чирчик – Охангарон районнинг энг йирик дарёси –Сирдарёнинг бу район худудидаги қисми 125 км бўлиб, унга бу ерда унг томондан Чирчик ва Охангарон дарёлари келиб қўшилади. Чирчик дарёси Сирдарёнинг энг катта ва серсув ирмогидир. Чирчик асосан, мўзлик, қор ва ,мгир, шунингдек ер ости сувларидан туйинади. Талас Олатоғи, Чоткол, Писком, Қоражантоғ ва Угом тоғларидан сув олади. Чоткол ва Писком дарёларининг қўшилган жойи – Чорбоғ сув омборидан бошлаб Чирчик деб аталади.

Чирчик дарёси юқори окимида тор ўзандан тез оқади. Чорбогдан куйида водий 1 км га, Чирчик ГЭС лари туғони якинида 7 км гача кенгаяди. Чирчик дарёсида сув март ойидан кўпая бошлайди ва Дарё сентябрь ойигача тўлиб оқади. Сувнинг энг кўпайган вақти май-июнга тўғри келади. Октябрь ойидан то февралгача суви камаяди. Дарё сувининг асосий қисми каналларга олиниб, ерларни сугоришга сарф қилинади.

Чирчик дарёсининг юқори қисмида сув бирмунча тиник, лойқа миқдори унинг ўрта окимида хар куб м сувда 270 граммдан, куйи окимида 520 граммгача етади. Чирчик ўз хавзасидаги хар бир кв км жойдан йилига ўрта ҳисобда 170 т турли жинсларни ювиб кетади

Чоткол дарёси Талас Олатоғи билан Чоткол тоғ тизмаси бир-бирига қўшилган жойдан бошланади. Узунлиги 223 км бўлиб, унинг куйи қисмигина Чирчик-Охангарон районига қарайди. Чоткол дарёси чуқур ва тик даралардан тез окиб чиқади. Куйи қисмида бир канча террасали кенг водийдан оқади.

Чоткол дарёси асосан қор, қисман мўз сувларидан туйинади. Суви мартдан бошлаб кўпаяди, май ва июнда айникса кўп бўлади. Дарё хавзасининг хар бир кв км юзасидан йилига 100 т дан ортиқ лойқа окиб кетади. Чорбоғ сув омборига унг томондан Куксув дарёси қўйилади. Унинг суви номига мос равишда кум-кук бегубор, мусаффо сув. Писком дарёси Талас Олатоғи билан Писком тизмасининг туташган жойидан бошланади. Писком ҳам чуқур тоғ водийсидан окиб утади.

Дарё қор ва муз сувларидан туйнади. Суви мартдан то июнгача кўпаяди. Дарёсuv йиғиш майдонининг ҳар бир кв км юзасидан йилига 176 т лойқа окизиб кетади. Угом Чирчикнинг йирик ирмоқларидан бири. Унинг ўзунлиги 70 км бўлиб, Қоражантоғ ва Угом тизмалари орасидан оқиб утади. Суви баҳор ва ёзнинг биринчи ярмида кўп бўлади.

Умуман Чирчик ва Охангарон дарёлари жуда катта сугориш аҳамиятига эга. Тоғдан чиқиши билан бу дарёлардан кўп каналлар таралиб кетади. Айниқса, Чирчик дарёсидан кўп канал чиқарилган. Тошкент канали Чирчикдан сув олиб, Охангарон водийсининг қуйи қисмини сув билан таъминлайди. Чирчикдан бошланган Бўзсув Тошкент атрофини сугоради. Чирчик – Охангарон райони ер ости сувларига ҳам бой. 2000 м чуқурликда 54 – 60° ли термал (иссиқ) сувлар борлиги аниқланган. Термал сувлар айна вақтда минераллашган бўлиб катта шифобахш хусусиятга эга. Масалан, Тошкент минерал суви кўп хил касалликларга даво бўлади.

Чирчик – Охангарон водийсининг тоғ олди текисликларида турли чуқурликдаги артезиан сувлари хавзалари бор бўлиб улардан ерларни сугориш, аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш мақсадида фойдаланилади.

Чирчик – Охангарон районининг тупроқлари бир хил эмас. Чунки тупроқнинг ҳосил бўлиши жойнинг рельефига ва ер юзасида тарқалган жинсларнинг таркибига, ёгин миқдори, температурага, усимликларга боғлиқдир. Шунга кўра Чирчик – Охангарон районининг тупроқлари жануби-ғарбдаги текисликлардан шимоли-шарққа- тоғларга томон ўзгариб боради.

Чирчик, Охангарон дарёлари водийларида, Сирдарёнинг сохилларида бўз тупроқлар тарқалган. Қадимдан ўзлаштириган вохаларнинг тупроқлари маданий бўз тупроқлардир. Тупроқ коплами баландликка қараб ўзгаради: денгиз сатхидан 300-400 м гача баланд бўлган жойларда оч тусли бўз тупроқлар тарқалган. Оч тусли бўз тупроқлар таркибида 1-1,5 %, оддий бўз тупроқларда 1.5- 2,5% чиринди бўлади. Бўз тупроқлар тарқалган ерлар

деярли тулик суғорилади, пахта, каноп, сабзавот ва полиз экинлари етиштирлади, боғлар бор.

Сирдарё, Чирчиқ, Охангарон дарёларининг террасаларида аллювиал тупроқлар ривожланган. Бу ерлар жуда қадимдан суғорилиб келинади. Ариқлардан келган сув ўзи билан бирга лойка ва минерал эритмаларини келтириб йткизади. Ер ости сувлари ер бетига яқин бўлган Дарёқайирларида ботқоқ-утлоқ тупроқлар таркалган. Бундай жойларда зовурлар казилиб, ботқоқликлар куритилган ва куритилмоқда. Нишаби кам текис, ботик ерларда шўр босган тупроқлар ҳам учрайди.

Чирчиқ – Охангарон районининг шимоли-шаркидаги тоғ этакларида ва тоғ днагирларида денгиз сатхидан 1000-1600 м гача бўлган жойларда тўқ тусли бўз ва оч тусли жигар ранг тупроқлар таркалган. Тўқ тусли бўз тупроқлар таркибида 3-4 % гача чиринди бўлади. Жигар ранг тупроқларда чиринди 4-6% гача етади. Бундай ерларда бахори дон экинлари(бугдой, арпа ва бошқалар) экилади. Тоғларнинг 1600-2500 м гача баландликдаги жойларида тўқ-тусли жигаранг ва ўрмон қўнғир тупроқлари таркалган. Баланд тоғ яйловлари минтакасида оч тусли қўнғир тупроқлар ривожланган.

1.2. Мамлакатимизнинг тупроқлари ва уларнинг сифат ҳолати

Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди шимолдан жанубга ва ғарбдан шарққа томон бир неча юзлаб километрга чўзилиб, хилма-хил ландшафтларни ўз ичига қамраб олади. Тоғ тизимлари, тоғ олди ва тоғ ости кенг тўлқинсимон текисликлари, учламчи платолар, аллювиал-дельта ҳамда чўл текисликларининг геологик тузилишлари, гидрогеологик шароитлари ва тупроқ пайдо этувчи жинслари хилма-хиллиги билан, шунингдек ўсимликлар қоплами ва гидротермик режимларининг турлилиги билан тавсифланади. Бу шароитлар республика ҳудудида турли тупроқ турларининг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди, гидротермик режимига кўра, вертикал (баландлик) минтақалар ва кенглик (чўл зонаси) тизимларига ажратилади. Бу ерларда тарқалган тупроқлар ўзларининг хосса ва хусусиятлари, экологик-мелиоратив ҳолати ва унумдорлик даражаси билан бир-биридан фарқ қилади.

Республикаимиз қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланадиган ерлар умумий ер майдонининг 9,7 фоизини ташкил этадиган суғориладиган ерлардир. Бу ерлар республикаимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлиб, барча илмий, техникавий, иқтисодий ва ташкилий имкониятлар биринчи навбатда шу ерларнинг ҳолатини яхшилашга, унумдорлигини кўтаришга қаратилиши зарур.

1.3. Ўзбекистон Республикасида тарқалган тупроқлар ва уларнинг хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасидаги баландлик минтақасининг юқори қисмини баланд тоғ шароитида, суббореал ва бореал иқлимда шаклланадиган, кўпинча булоқлар атрофида пайдо бўладиган торфли-ботқоқ ва ўтлоқи тупроқлар билан ёнма-ён учрайдиган, оч-кўнғир ўтлоқи-дашт тупроқлар эгаллайди. Тупроқ пайдо этувчи жинслари майда заррали тош аралашган қалин бўлмаган ётқизиклар бўлиб, улар учламчи давр тоғ жинсларининг делювий ва элювийларидир. Бу тупроқларнинг шимолий ён бағирларда ривожланганларида гумус миқдори 5-7 фоиз, жанубийларида 2-3 фоизни ташкил этади. Тупроқлар карбонатлардан ишқорсизлангандир.

Оч-кўнғир тупроқлардан қуйида, ўрта тоғларда, баъзан паст тоғларда тоғ жигарранг тупроқлар шаклланган, улар суббореал ва субтропик иқлими тоғ даштлари, ўрмонлар ва чала ўрмонларда тарқалган. Тупроқ пайдо этувчи жинслари – элювий, делювий ва тош аралашган пролювийлардир. Майда заррали ва тош аралаш майда заррали тупроқ қатламлари бир неча метр қалинликда бўлиб, баъзан карбонатлари ювилган бўлади. Ювилмаган

тупроқларнинг юқори қисмида гумус 4-10 фоизга, ювилганларида – 1,5 фоиздан 3 фоизгача етади. Тупроқлар эрозияга учраган, ўртача ва кучли ювилганлари улар майдонининг 70 фоизини эгаллайди. Кўп ҳолларда она жинслари юзага чиқиб туради.

Оч-қўнғир ўтлоқи-дашт ва тоғ жигарранг тупроқлардан иқлими ноқулайлиги ва кучли қияликларда жойлашганлиги сабабли, асосан, яйлов сифатида фойдаланилади. Бу тупроқлар Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Тошкент, Жиззах ва Наманган вилоятлари тоғ тизимларида тарқалган.

Тоғ жигарранг тупроқлардан қуйида, тоғ тизими билан текислик туташган ерларда бўз тупроқлар кенг тарқалган. Улар субтропик илиқ ва иссиқ, чала чўл шароитларда шаклланади. Бўз тупроқлар тўртламчи даврнинг лёсс, лёссимон қумоқларида, пролювиал ва делювиал ётқизикларида шаклланади. Бўз тупроқлар: тўқ, типик ва оч тусли типчаларга ажратилади.

Тўқ тусли бўз тупроқлар бўз тупроқлар минтақасининг юқори қисмини эгаллаб, тоғ олдиларида шаклланган. Бу ерларни рельеф шароитига кўра паст тоғларга киритиш мумкин. Улар элювий-делювий, баъзан лёссимон ётқизикларда шаклланиб, кўпроқ ўртача қумоқ таркибга эга бўлади. Чиринди қатламида гумус миқдори 6 фоизни ташкил этади, бу қатлам карбонатлардан ювилган. Иссиқлик ресурсларининг етишмаслиги сабабли бу тупроқларда пахта етиштирилмайди. Улар, асосан, яйловлар сифатида, майин тупроқли текис рельефли ерлардан лалми деҳқончиликда фойдаланилади. Лалми тупроқларнинг ҳайдов қатламида гумус миқдори пасайиб 0,8-3 фоизни ташкил этади. Кейинги йилларда бу ерлар суғорма деҳқончилик учун ўзлаштирилмоқда. Тўқ тусли бўз тупроқларда сув ва суғориш эрозияси хавфи катта. Бу тупроқлар Жиззах, Қашқадарё, Тошкент, Сурхондарё, Тошкент ва Навоий вилоятларида тарқалган. Уларнинг суғориладиган майдонлари кўпроқ Тошкент вилоятида, лалмикорлари эса Жиззах, Тошкент, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган.

Типик ва оч тусли бўз тупроқлар, асосан, тоғ олди ва тоғ ости тўлқинсимон ва қия текисликларида, лёссли ва лёссимон кумоқларда, баъзан тош-тупроқ аралаш пролювиал ётқизикларда шаклланиб, табиий шароитда уларнинг чиринди қатламида гумус миқдори 1-1,5 фоиз (оч тусли бўз тупроқларда) дан 3-4 фоиз (типик бўз тупроқларда) гача етади. Механик таркибига кўра бўз тупроқлар турлича. Типик ва оч тусли бўз тупроқлардан суғорма деҳқончиликда, асосан, пахтачиликда кенг фойдаланилади. Суғориладиган тупроқларнинг эрозияга учраганларида гумус миқдори 0,5-1,5 фоиз (оч тусли бўз тупроқлар) дан 0,8-1,6 фоиз (типик бўз тупроқлар) гача тебранади. Суғориладиган оч тусли бўз тупроқларнинг шўрланишга учраганлари ҳам мавжуд. Типик бўз тупроқлар минтақасида лалми деҳқончилик кенг тарқалган, оч тусли бўз тупроқлар минтақасида эса гидротермик ресурслар ноқулайлиги сабабли лалми деҳқончилик кам ривож топган. Суғориладиган типик бўз тупроқлар Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикадан ташқари барча вилоятларда тарқалган.

Типик ва оч тусли бўз тупроқлар минтақасида суғориш учун ўзлаштириш жараёнида сизот сувларининг кўтарилиши кузатилади, бу эса бўз-ўтлоқи тупроқларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Уларда янги тупроқ белгилари билан бирга бўз тупроқларнинг қолдиқ белгилари ҳам сақланиб қолади. Ҳайдов қатламида чиринди миқдори 0,5-1,5 фоизни ташкил этади. Механик таркибига кўра улар турлича. Карбонатлар миқдори 8-10 фоизни ташкил этади. Бу ерларда сизот сувларининг сатҳи кўтарилиши натижасида тупроқлар шўрланиш жараёнларига учраётганлиги сабабли шўрланишга қарши чора-тадбирларини қўллашга муҳтождир.

Қашқадарё, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари, Зарафшон воҳаси ва Фарғона водийси тоғ ости қияликлари, сойларнинг ёйилмаларида, сизот сувлари (1-2 м) сатҳи юзага яқин жойлашган ерларда ўтлоқи-саз тупроқлар типи шаклланган. Суғориш натижасида саз режимли сизот сувлари ирригацион режимга ўтади. Тупроқ пайдо этувчи жинслар аллювиал-

пролювиал, пролювиал ва делювиал ётқизиклардир. Гидрокарбонатли сувларда тупроқлар кучсиз шўрланади, лекин кучли мергеллашиб боради. Улар механик таркибига кўра бир хилда эмас. Ҳайдов қатламида гумус миқдори 1,2-4,2 фоиз атрофида. Карбонатлар 8,1-11,1 фоиз бўлиб, юқори даражада. Улар шох ва арзиқли каттиқ қатлам пайдо этиб, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришга салбий таъсир этади.

Бўз тупроқлар зонасининг дарё террасаларида ва унинг ёйилмаларининг чекка қисмларида, сизот сувлари яқин жойларда ўтлоқи (суғориладиган) аллювиал тупроқлар шаклланади. Уларнинг гумус қатлами яхши ифодаланиб, қорамтир ранг олган ва донадор. Ҳайдов қатламида гумус миқдори 1,2-2,0 фоизни ташкил этади. Механик таркибига кўра улар турлича бўлиб, асосан, оғир ва ўрта қумоқлар кўпроқ учрайди. Тупроқ пайдо этувчи жинслар турли қатламли бўлиб, одатда шағалли қатламлар тез-тез учрайди. Карбонатлар миқдори 6,5-11 фоиз. Оч тусли бўз тупроқлар минтақасидаги ўтлоқи тупроқлар шўрланишга учраган ва мелиоратив чора-тадбирлар ўтказишга муҳтож.

Чўл зонаси республиканинг катта қисмини эгаллаб, тоғ ости текисликларидан шарқ ва жанубий-шарқдан, ғарбий ва шимолий-ғарбий чегараларгача боради. Бу ерларга Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятлари, Навоий вилоятининг катта қисми, Қашқадарё вилоятининг ғарбий қисми, Сурхондарё вилоятининг жанубий қисмлари ва Фарғона водийсининг марказий қисмлари киради. Шу сабабли чўлларнинг ҳозирги даврдаги суғориладиган деҳқончиликдаги аҳамияти каттадир. Чўл иқлими таъсирида ва турли литологик, геоморфологик, гидрогеологик ва бошқа тупроқ пайдо бўлиши шароитларида, бу ерда ўзига хос тупроқ қоплами пайдо бўлган. Бу ерда генетик жиҳатдан алоҳида тупроқ гуруҳлари вужудга келиб, улар баландлик минтақаси тупроқларидан тубдан фарқ қилади.

Қадимги юзаларда, яъни учламчи давр платоларида, қадимги дарё ёйилмалари ва пролювиал шлейфларда, Марказий Қизилқум ва бошқа паст

тоғларда сур тусли кўнғир тупроқлар шаклланган. Бу тупроқларни пайдо этувчи она жинслари учламчи давр элювийидан, тошли қадимги аллювий ва пролювийлардан иборат. Бу тупроқлар учун хос белги-тупроқ катламларининг қисқалиги ва генетик катламларнинг аниқ ажралиб туришидир. Механик таркибига кўра хилма-хил, кўпроқ тош аралашган бўлади. Юқори катламларида гумус миқдори жуда оз – 0,2-0,6 фоиз. Катламларидаги карбонатлар миқдори 3 дан 6 фоизгача. Бу тупроқлардан, асосан, яйлов сифатида фойдаланилади. Лекин кейинги йилларда сур тусли кўнғир тупроқлардан суғорма деҳқончиликда фойдаланилмоқда. Суғориладиган сур тусли кўнғир тупроқлар Сурхондарё, Бухоро, Наманган, Хоразм ва Навоий вилоятларида учрайди. Суғориш тупроқ таркибидаги сувда эрувчан тузларни ҳаракатга келтиради ва улар турлича шўрланишга учрайди.

Суғориладиган сур тусли кўнғир тупроқлар вақт ўтиши билан сур тусли кўнғир-ўтлоқи, кейинчалик ўтлоқи тупроқларга айланади. Бу вақтда сувда эрувчан тузлар ҳаракати фаоллашиб, тупроқнинг шўрланишига олиб келади. Суғориладиган сур тусли кўнғир, сур тусли кўнғир-ўтлоқи ва элювий она жинслари устидаги ўтлоқи тупроқлар кам ҳосилдор ва унумдорлигини оширишга муҳтождир.

Чўл-қумли тупроқлар усти ўсимликлар билан мустаҳкамланган қумларда шаклланган. Гумусли ранг баъзан 25-30 см гача кириб боради. Тупроқ пайдо қилувчи жинслари бўйича улар турли генезисга эга бўлган тупроқлардир. Бу тупроқлар ўзлаштирилганда улар барча генетик белгиларини йўқотади. Бу тупроқлар доимий дефляцияга тортилувчан, кўчиб юрувчи бўлиб, шамол эрозиясига кўп учрайди ва улар доимий маҳсус агротехник тадбирларни қўллашни талаб этади.

Чўл-қумли тупроқларни доимий суғориш сизот сувларининг кўтарилишига (2-3 м) ва гидротермик шароитларининг ўзгаришига олиб келади, натижада улар чўл-ўтлоқи тупроқларига ўтиб боради. Гумусга

камбағал бу тупроқларда (чўл-ўтлоқи) шўрланиш жараёнлари ривожланиб, асосан, ўртача ва кучли шўрланганлари кўпроқ учрайди. Чўл-ўтлоқи тупроқлар Қизилқумда, Ахчадарёнинг қадимги дельтасида, Амударёнинг ўзан бўйларида, Орол денгизининг аввалги Акпетка архипелагида ҳамда Бухоро, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида тарқалган. Суғориладиган чўл-қумли тупроқлар Сурхондарё, Навоий ва Бухоро вилоятларида тарқалган.

Сур тусли қўнғир ва чўл-қумли тупроқлар билан бирга текис чўкмаларда ўзига хос тақир тупроқлар учрайди. Тақирларнинг юза қисми қўндаланг ёриқлардан иборат бўлиб, ўсимлик ўсмайди, оғир қумоқли ёки лойли бўлади. Сув ўтказмайди. Гумус миқдори 0,4-0,9 фоиз атрофида. Тақирлар одатда шўрҳокли ва шўрланган бўлиб, уларни ўзлаштириш қийин.

Қадимги Амударё, Қашқадарё, Зарафшон ва Сурхондарёнинг қуйи аллювиал ва пролювиал текисликларида тақирсимон тупроқлар шаклланган. Гумус миқдори механик таркибига боғлиқ бўлиб, 0,4 дан 1 фоизгача. Суғориладиган, агроирригацион қатламли тақирсимон тупроқлар ҳозирда Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида қисман учрайди. Бу тупроқларнинг асосий қисми тақир-ўтлоқи тупроқларга айланган. Уларнинг механик таркиби турлича бўлиб, гумус миқдори 0,8 дан 2 фоизгача. Тупроқ кесмасида карбонатлар 7-8 фоиз. Бу тупроқлар шўрланишга турли даражада учраб, мелиоратив ҳолатини яхшилашга муҳтождир.

Чўл зонаси дарё воҳалари ҳудудларида ва аллювиал-дельта текисликларида ўтлоқи аллювиал тупроқлар кенг тарқалган. Улар сизот сувларининг фаол таъсирида (1-2,5 м) шаклланган. Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар чўл зонаси суғориладиган ерлари ичида энг кўп тарқалган. Механик таркибига кўра улар турлича. Эскидан суғориладиганларининг юқори қисмида агроирригацион қатламлар вужудга келган. Гумус миқдори 0,5-0,8 дан 1,1-1,5 фоизгача тебранади, карбонатлар эса 6-8 фоиз атрофида. Гипс жуда оз (0,1-0,5%). Барча чўл зонаси ўтлоқи тупроқлари шўрланишга тортилган. Шунга қарамадан керакли мелиоратив ва агротехник

тадбирларни қўллаш орқали уларда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш мумкин.

Чўл зонасида шўрхоклар кенг тарқалган, улар орасида денгиз бўйи шўрхоклари кўпроқ майдонларни эгаллаган. Улар Орол денгизининг қуриган тубида шаклланган. Шўрхоклар, асосан, кучли минераллашган сизот сувлари сатҳи юзага яқин жойларда шаклланади. Юқори қатламларида тузлар миқдори 3 дан 25 фоизгача, баъзан ундан ҳам юқори бўлади. Шўрхоклар баъзан суғориладиган ерлар орасида ҳам учраб туради. Уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жуда қийин бўлиб, баъзилари умуман ўзлаштиришга ярамайди.

Чўл зонасида коллектор-зовур тизимлари талаб даражасида бўлмаган шароитларда сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши натижасида шўрланиш, ўта қурғоқчил иқлим шароитларида шамол эрозияси, тоғ олди ва тоғ ости дарё террасаларининг рельефи ноқулай жойларида суғориш эрозияси жараёнлари ривожланмоқда. Шу сабабли, тупроқларда кечаётган салбий жараёнларнинг олдини олиш ва улар оқибатларини бартараф этиш учун агромелиоратив ва эрозияга қарши чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш керак.

Тупроқ пайдо қилувчи омилларнинг кенгликда ва вақт мобайнида турлича бўлиши ва оқибатда уларда кечадиган жараёнларнинг хилма-хиллиги республикаимиз табиатида турли хил тупроқларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

1.4. “Қайтмас” массивининг табиий шароитлари тавсифи.

“Қайтмас” массиви шимолдан “Истикбол”, “Кончи”, “Янгитурмуш” массиви ерлари, шарқдан “Янгитурмуш” ерлари, жанубдан “Ҳақиқат йўли” массиви, жануби-ғарбдан “Янгиҳаёт” кўрғони ерлари билан чегарадош.

Иқлими Иқлим шароитига кўра “Қайтмас” массиви ҳудуди субтропик тоғ олди ярим чўл зонасига киради. Иқлимнинг асосий кўрсаткичлари бўлиб, ёғин миқдорининг кам бўлиши, ёзда ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши,

кишнинг нисбатан совуқ келиши, қурғоқчилик юқорилиги, ёз ойларида бўғланишнинг кўп бўлиши ҳисобланади.

Тавсифланаётган ҳудуднинг иқлим кўрсаткичларини «Қовунчи» метеостанциясининг маълумотларига асосан аниқланган. Ҳавонинг йиллик ўртача ҳарорати $+13,8^{\circ}$, энг иссиқ ҳаво июль ойида $+41^{\circ}$, Энг совуқ ҳаво -29° ни. Қишнинг қаттиқ совуқ кунлари кам учрайди.

Ёғингарчилик миқдори асосан куз, қиш ва баҳорги даврларга тўғри келади. Июл, август ва сентябр ойларида ёғингарчилик нисбатан кам учрайди. Йиллик ёғин миқдори 352 мм ни ташкил этади.


Қишлоқ хўжалигининг ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишлари учун иқлим шароитлари қулай ҳисобланади. Биринчи кузги совуқ кунлар октябр ойининг иккинчи ярмига тўғри келади. Вегетация давридаги фойдали ҳароратлар йиғиндиси $2500-2600^{\circ}$ га тенг.

Рельефи. “Қайтмас” массиви ҳудуди Чирчиқ дарёсининг 3-қайир усти террасасида жойлашган. Рельефининг тузилиши бўйича тоғ олди тўлқинсимон текисликлардан иборат. Массив ерлари шимолга нисбатан қияликда жойлашган. Массив далаларининг текислилиги қониқарли даражада.

Тупроғи. Массив субтропик тоғ олди ярим чўл минтақасида жойлашган бўлиб, суғориладиган ўтлоқи тупроқлар, суғориладиган тўқ тусли ўтлоқи тупроқлар, типик бўз тупроқлардан ташкил топган. Бу тупроқлар ўзининг суғориш даври маданийлашганлиги, механик таркиби, гумус қатламининг қуввати ва бошқа белгиларига қараб гуруҳларга бўлинган.

Массив ҳудудининг тупроқлари ўзининг хусусиятларига қараб 8 та тупроқ айирмасига ажратилган, шундан 6 таси қишлоқ хўжалик ерлари, 1 таси қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар, 1 таси аҳоли яшайдиган ерларидир. Массив тупроқларининг ўртача балл бонитети 61 баллни ташкил этади.

**Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Ўрта
Чирчиқ туманидаги “Қайтмас” массиви ҳудудидаги
ерларнинг амалдаги жойлашуви
ТАРХИ**



***2 -БОБ. ЕРЛАРНИ БАҲОЛАШДА
БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ТАРТИБИ***

2.1. Массивда ерларни баҳолаш бўйича қуйидаги тартибда бажарилади.

Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқлари мониторинги.

Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқларини мониторинг мақсадларида тадқиқ этиш учун қўриқ, лалми ва суғориладиган ерлардан танланган 15 доминант (калит) майдонлар бўйича дала ва лаборатория таҳлил ишлари бажарилди. Тоғли ва тоғ олди туманларида ерларни суғориш натижасида, автоморф тупроқларнинг баъзи жойларида ярим гидроморф ва гидроморф режимга ўтиши маълум бўлди. Ер ости грунт сувларининг кўтарилиши натижасида, иккиламчи шўрланиш пайдо бўлмоқда. Бу ҳудудларда сув эрозияси натижасида турли даражада ювилган тупроқлар кўпаймоқда. Чирчиқ ва Ангрен дарёларининг пастки террасаларида тупроқларнинг ботқоқланиши таъсирида, глей ва шох қатламлар пайдо бўлмоқда. *Жойларда ерларни баҳолаш қуйидагича олиб борилади:* Тайёргарлик ишлари жараёнида мутахассис қуйидаги асосий материалларни тўплайди ва тартибга келтиради: ер турлари бўйича тупроқ эксивикацияси, текширилаётган массив жойлашган районда метеостанция маълумотлари бўйича агро иқлим кўрсаткичлари, тупроқ хиллари руйхати, уларнинг майдоин, ер турлари бўйича тупроқнинг морфогенетик ва бошқа белгилари, ички хўжалик ер тузиш лойиҳасини ёки авторлик кузатуви материаллари, қишлоқ хўжалиги экинларининг кейинги 5 йил мобайнидаги майдонлари ва ҳосилдорлиги хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотлар. Формулярни тўлдириш учун зарур бўлган асосий хужжатлар: ер баланси, хўжаликларнинг йиллик ҳисоботи, суғориш шахобчалари бошқармасининг суғориладиган ерлар бўйича маълумотлари.

2.2. Тупроқ бонитировкаси ҳамда ерларни иқтисодий баҳолаш.

Тупроқ бонитировкаси ҳамда ерларни иқтисодий (меъёрий) баҳолаш ер кадастрининг муҳим таркибий қисмларини ташкил этади. Ҳозирги вақтда республикада суғориладиган ерларнинг тупроқ бонитировкаси А.З.Генусов (Ўзбекистон ФА ТАИ), Г.М.Конобеева (Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ФА), М.М.Кочубей (Узгипрозем)лар томонидан ишлаб чиқарилган услубият асосида ўтказилмоқда. Бонитировка – тупроқ унумдорлигини қиёсий баҳолаш бўлиб, унинг асосий мақсади тупроқларни табиий унумдорлигига қараб тавсифлашдир. Тупроқ бонитировкаси тупроқ унумдорлигини характерловчи табиий, яъни қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Бонитировка ерни иқтисодий баҳолаш ер кадастрини юритиш, мелиорация ҳамда деҳқончилик системасини такомиллиштириш ва бошқа ишлар учун нихоятда зарурдир. Ўзбекистоннинг суғориладиган деҳқончилик районларида тупроқ, бонитировкаси 100 баллик шкала бўйича, қишлоқ хўжалиги экинларидан энг юқори ҳосил олиш шароитларини таъминлайдиган мезонлар негизида, асосан, республиканинг асосий экини ҳисобланган ғўзага нисбатан аниқланади. Табиий хоссалари ғўзанинг энг юқори ҳосилдорлигини таъминлайдиган тупроқлар аъло баҳоланади. Бонитировкани ўтказишда суғориладиган ерларда тупроқнинг маданийлашганлик даражаси, қадимдан суғорилиб келинганлиги, генетик типи, термик ресурслар билан таъминланганлиги, шўрланиш даражаси, механик таркиби, тошлилиги, гинслилик даражаси ва бошқалар асосий баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

Тупроқнинг деҳқончилик учун ноқулай хусусиятлари: шўрланиш, эрозия даражаси, ботқоқланиш бонитировка балларини пасайтиради. Тупроқнинг ғўза экинининг талабларини ҳисобга олган ҳолда аниқланган бонититлари шоли, каноп экиладиган ва кўп йиллик мевали дарахтзорлардан ташқари пахта комплексидаги суғориладиган барча экинлар тупроқни баҳолашда қўлланилади.

Тупроқ бонитировкаси ишини бажаришда жамоа хўжаликлари, массив ерларининг 1:10000 масштабдаги плани нусхасидан фойдаланилади. Унга тупроқ хиллари чегаралари, шу тупроқ хиллари ичида қишлоқ хўжалиги ер турларининг контур номерлари ва аниқлик киритилган чегаралари тушурилади.

Қишлоқ хўжалиги ерлари турлари бўйича тупроқ хиллари майдонлари контурлар бўйича майдонларни ҳисоблаш ведомостига кўра аниқланади. Агарда тайёр ведомост бўлмаса, кўрсатилган майдонларлар белгиланган тартибда ҳисобланади.

Майдонларни контурлар бўйича ҳисоблаш ведомости ҳамда тупроқ тадқиқотлари маълумотлари асосида ер турлари бўйича тупроқ экспликацияси тузилади.

Ҳар бир тупроқ хилини табиий хусусиятлари бўйича баҳолаш 100 баллик бонитировка шкаласи, тупроқнинг механик таркиби, тоғ замининг она жинси ва ер ости сувлари чуқурлиги, шўрланиш, эрозия, тошлилик ва гипслилик даражалари каби тупроқнинг сифатига таъсир қилувчи олмилар бўйича тузатма коэффициентларини ҳисобга олиган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг суғориладиган тупроқлари бонитировка шкаласи кўп йиллик тупроқларни ўрганиш, агрохимиявий, агрохўжалик кузатувлари маълумотларини жамлаш асосида тузилган. Ҳамма тупроқлар учун уларнинг келиб чиқиш генезиси, суғорилиш ва маданийлашганлик даври умумий баҳолаш мезонлари ҳисобланади. Оптимал шароитда, яъни шурланиш ва эрозияга учрамаган механик таркиби қониқарли, тоғзамини яхши дренажланадиган тупроқларнинг сифат кўрсаткичлари берилади. Тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи белгиларга эга бўлган тупроқларнинг хоссаларини баҳолашда мавжуд пасайтирувчи коэффициентлардан фойдаланилади. Тупроқ бонитировкасини ўтказишда ҳисобга олиниши зурур бўлган омиллар ичида иқлим муҳим ўрин тутди. Ёўза каби иссиқсевар экин учун термик ресурслар билан таъминланганлик ёки самарадорлик даражаси 10 С дан юқори ҳарорат йиғиндиси кўрсаткичи муҳим ҳисобланади.

Иқлим бўйича тупроқ минтақаларини табақалаштириш табиий қишлоқ хўжалиги бўйича районлаштириш нуқтаи назаридан бажарилган. Суғориладиган деҳқончиликнинг хилма-хил ҳудудлари учун иқлимни баҳолаш шу районларда экилиши мумкин бўлган оралик ҳамда такрорий экинларнинг биологик махсулдорлигини аниқлашга ёрдам беради.

Тупроқ унумдорлиги таъсир кўрсатадиган жами омиллар ичида энг мухими – бу тупроқнинг механик таркибидир. Енгил ҳамда қўмлоқ тупроқлар яхши тупроқлар қисобланади, чунки уларда сув, ҳаво ва иссиқлик режимлари энг қулай шароитлар вужудга келади. Шағал ҳамда тошлар аралашмаси суғориладиган ерларнинг сифатини пасайтиради, машиналар билан ишлашни қийинлаштиради, қўл меҳнати ҳаражатларини оширади, тупроқнинг сув режимини ёмонлаштиради. Тупроқнинг механик таркиби бўйича пасайтирувчи коэффиценти 4-иловада берилган.

Суғориладиган деҳқончилик шароитида тупроқларни баҳолашда уларнинг шўрланиш даражаси ва мелиоратив шароитини ҳисобга олиш муҳим аамиятга эга. Тупроқ хусусиятларини ёмонлаштирувчи ҳамда уларнинг унумдорлигини пасайтирувчи омиллар қаторига сув ва шамолдан емирилиши эрозияси ҳам киради. Бундай ҳолатлар жойнинг рельефи нотекис бўлган янги суғорилаётган ерларда, қияликлар, тоғ олди қия текисликларда ҳамда кучли шамол бўладиган енгил тупроқли районларда яққол кузатилади. Бу районларда тупроқ ҳосил қилувчи жинслар асосан лёсслардан ҳамда эллювий ётқизикларидан иборат.

Она жинси лёсс бўлган ювилган тупроқларда тупроқ ҳосилдорлигини камроқ йўқотади, чунки бундай тупроқларнинг ҳатто чуқур қатламлари ҳам потенциал унумдорликка эга. Аллювий-пролювий ҳамда эллювий ётқизикларида ҳосил бўлган тупроқларнинг унумдорлиги айниқса кескин пасайиб кетади.

Кейинги йилларда суғориш мақсадларида турли даражада гипслаган тупроқлар ҳам ўзлаштирилди. Бизга маълумки, гипс ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлаштиради ҳамда тупроқ унумдорлигини пасайтиради. Гипс горизонтининг жойлашиши, чуқурлиги ҳамда даражасига қараб пасайтирувчи коэффициентлар қўлланилади.

Юқорида кўрсатилган тупроқларнинг барча белги ва хусусиятлари, самарали харорат йигандиси кўрсаткичидан ташқари, хўжаликнинг тупроқ харитасида кўрсатиладн. Шу сабаблн хўжалик, алмашлаб экиш массиви ёки алмашлаб экиш даласининг тупроқ бонитировкасини аниқлаш учун 1:10000 масштабдаги тупроқ харитаси зарур. Кучли шўрланишга учраган тупроқ минтакаларида тупроқ харитасидан ташқари шурланиш картограммасидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалик ерларини меъёрий баҳолаш. қишлоқ хўжалик ерларини меъёрий баҳолаш асосан ер солиғи ставкаларини аниқлаш, белгиланган меъёрда ажратилганидан ташқари қишлоқ жойларида шахсий уй жой қуриш ва дехкон хўжалигига ер бериш, банк томонидаи кредит бериш, ер участкаларини аукционлар орқали сотиш учун бошланғич баҳосини белгилаш ҳамда конунда кўзда тутилган бошқа ҳоллар учун қўлланилади.

Барча қишлоқ хўжалик ерларни меъёрий баҳолаш объекти бўлиб хизмат қилади. Бунда ерларни меъёрий баҳолаш бўйича белгиланган ҳудудий ҳисоб бирликлари қуйидагилардир:

- ички хўжалик миқёсида: тупроқ сифати бўйича (бонитети) бир хил бўлган хайдалма ерлар ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларининг алохида участкалари. Бундай ҳолда ерларнинг меъёрий баҳоси ички хўжалик масалаларини ҳал қилиш, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш, қурилишлар, суғориладиган ерларни қайта қуриш мақсадлари учун аниқланади.

- умумий жиҳатдан: умумий ер майдони ёки қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи корхона қишлоқ хўжалик ерларининг асосий турлари. Бундай ҳолда ерларнинг меъёрий баҳоси ер учун солиқ ставкаси миқдорларини ҳисоблаш, ер участкасини гаровга қўйиб банкдан кредит олиш учун аниқланади. Давлат режалаштирини нуқтаи назаридан туман миқёсида ҳудудий ҳисоб тариқасида ер участкаси, вилоят миқёсида - маъмурий туманлар олинади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ерларни меъёрий баҳолаш субъектлари ҳисобланадилар.

а) Суғориладиган ерларнинг меъёрий баҳосини ҳисоблаш. қишлоқ хўжалик экинларини етиштириши учун анчагина муҳим ҳисобланган ернинг табиий хусусиятлари бўйича нисбий баҳоси (тупроқ бонитировкаси) ва қиймат кўрсаткичи сифатида меъёрий суғорилаган ерларнинг меъёрий баҳосини аниқлаш учун асос қилиб олинади.

Тупроқларнинг табиий унумдорлигини, маҳсулдорлигини ҳамда уларни қишлоқ хўжалигига яроқлилигини ҳисобга олган ҳолда бонитет баллари бўйича республикада суғориладиган ерларнинг ўрта сийфи белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан бонитет баҳосининг баллари қишлоқ хўжалик экинларини кадастр бўйича ҳисобланган ҳосилдорликлари орқали белгиланади. Бу эса уз навбатида 100 баллик баҳолаш шкаласидан ц/га ҳисобида 1 баллга тўғри келадиган аниқ бир қишлоқ хўжалик экинлари учун ҳисобланади.

Бонитет баллари бўйича асосий қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорликлари, ц/га.

Бонитет балли	Пакта	Донли экинлар	Беда	Маккажухо ри дон учун	Бир йиллик ўтлар	Хашак и лавлаг и
10	4	6	20	7,5	30	90
20	8	12	40	15	60	180
30	12	18	60	22,5	90	270
40	16	24	80	30	120	360
50	20	30	100	37,5	150	450
60	24	36	120	45	186	540
70	28	42	140	52,5	210	630
80	32	48	160	60	240	720
90	36	54	180	67,5	270	810
100	40	60	200	75	300	900
1балл қиймати	0,4	0.8	2,0	0,75	3,0	9,0


Суғориладиган ерларнинг меъёрий қийматини аниқлашда уларни қишлоқ аҳоли пунктларига ва маҳсулотларини сотиш бозорларига нисбатан жойлашганлиги ҳам ҳисобга олинади.

Ер майдонларини аҳоли яшаш уйларига ва хўжаликлараро объектларга нисбатан узоқлик радиуси, яъни транспорт харакатига ўнгайлигига боғлиқлиги, ерларда фойдаланиш шарт-шароитларининг меъёрий баҳосини аниқлашда тузатма коэффициентлари киритилади. (8-жадвал)

Ер участкаларини аҳоли пунктлардан узоқлиги бўйича маълумотлар бўлмаган такдирда ҳамда ҳисоб-китобларни осонлаштириш мақсадида хўжаликларнинг маҳсулотларини сотиш бозорига ҳамда моддий - техник таъминотига нисбатан жойлашувини ҳисобга оладиган ўртача қийматлар қўлланилади.

Хўжаликлар вилоят марказидан 10-20 км радиусда жойлашган такдирда қўлланилган коэффициентлар 10-15 фоизга оширилиши мумкин.

Умумий тарзда суғориладиган ерларнинг меъёрий баҳолаш натижалари куйидаги жадвал тарикасида акс эттирилади.



2.3. Суғориладиган ер майдонларини иқтисодий баҳолаш

Иқтисодий баҳолаш деб, ерни қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги сифат баҳосига айтилади, яъни, деҳқончиликнинг мавжуд интенсивлиги шароитида қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигини ҳисобга олиш йўли билан хилма-хил унумдор ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш тушунилади.

Ер майдонларини иқтисодий баҳолашнинг тупроқ бонитировкасида асосий фарқи шундан иборатки, бонитировка асосан тупроқларнинг табиий жисм ҳолатини, яъни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритишнинг иқтисодий шароитларини ҳисобга олмаган ҳолатини ўрганади. Иқтисодий баҳолашда эса ер қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида қаралади. Ерларни баҳолаш деҳқончиликнинг шу даврда эришилган интенсивлиги даражасида иқтисодий унумдорлиги жиҳатидан ер майдонларининг сифатини зарур аниқликда ёритилади. У жойнинг табиий ҳамда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий шароитларини, ер участкаларнинг жойлашган ўрнини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришдаги меҳнат ва пул ҳаражатларини ҳисобга олиш орқали ўтказилади.

Қўйилган мақсад ва талабларига биноан ерларни иқтисодий баҳолаш умумий ҳамда хусусий (якка тартибда) бўлиши мумкин. Хусусий баҳолаш хилма-хил тупроқ шароитларида аниқ қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Шу билан бирга хусусий баҳолаш хилма-хил қишлоқ хўжалик экинларини ўстиришда тупроқларнинг яроқлилиги тўғрисида ҳам маълумотларга эга бўлиб, қўшимча капитал маблағларсиз маълум иқтисодий самарадорликни таъминлайди. Умумий иқтисодий баҳолаш тупроқларнинг унумдорлик кўрсаткичларини ва деҳқончилик интенсивлигини шу даврдаги эришилган даражасида ер майдонларидан фойдаланишнинг самарадорлигини

характерлайдиган кўрсаткичларни аниқлашга мўлжалланган.

Ер баҳолаш бирлигини сайлаш маълум шароитга асосланади. Мингдан ортиқ тупроқ хиллари мавжуд бўлган Ўзбекистон шароитида ер майдонларини иқтисодий баҳолаш умумиттифоқ ерларини баҳолаш методикасига биноан ўтказилади ва бу ерда шундай ер баҳолаш бирлиги қилиб тупроқ агро ишлаб чиқариш гуруҳлари қабул қилинган. Ерларни иқтисодий баҳолашда баҳолаш кўрсаткичларини тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар объектив бўлмоғи ҳамда маълум амалий аҳамиятга эга бўлмоғи зарур. Шунга асосан қишлоқ хўжалик экинларининг самарадорлиги бўйича хусусий баҳолаш экинларнинг ҳосилдорлиги, ҳаражатларни қоплаш ва табақаланган даромад кўрсаткичлари бўйича олиб борилади. Ер майдонларини умумий баҳолаш эса ялпи маҳсулот қиймати, ҳаражатларни қоплаш ва табақаланган даромад кўрсаткичлари бўйича ўтказилади.

Иқтисодий баҳолашнинг асосига қўйилган табиий ва иқтисодий кўрсаткичларнинг 5 йиллик қийматлари қабул қилинган: асосий қишлоқ хўжалик экинлари бўйича (пахта, шоли, маккажўхори дони учун, беда) кун йиллик дарахтзорлар ва яйловларнинг экин, майдонлари, ҳосилдорлик, ялпи маҳсулот, ҳар бир маҳсулотни етиштиришни сарф бўлган пул бирлигидаги ҳаражатлар ва ишлаб чиқаришга сарф бўлган меҳнат ҳаражатлари, ҳар бир қишлоқ хўжалик экинининг асосий ва (айланма) фондлари билан таъминланганлиги, солинган ўғитларнинг миқдори ва таркиби. Доимий суғориш шароитида бундай кўрсаткичлардан ташқари суғориладиган ерларнинг мелиоратив фондлар билан таъминланганлиги, суғориш шахобчалари ва иншоотларини қуришга сарф бўлган умумий ҳаражатлар ҳам ҳисобга олинади.

Иқтисодий нуқтаи назардан ишлаб чиқариш воситаси ҳолатидаги ер майдонининг сифати тупроқ унумдорлиги орқали аниқланади. Тупроқ унумдорлиги фақат қишлоқ хўжалик экинларининг турлича ҳосилдорлигига

олиб қолади. Шунинг учун ҳам ҳосилдорлик ерларни иқтисодий баҳолашнинг бирламчи кўрсаткичи родини бажаради. Ер майдонларини иқтисодий баҳолаш учун танланган қишлоқ хўжалик экинлари шу кадастр районининг ҳудуди учун характерли бўлиши зарур. Ишлаб чиқариш ва товар аҳамиятига эга бўлган қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан суғориладиган деҳқончиликнинг асосий экинлари: пахта, шоли, ғалла экинлари, маккажўхори дони учун Бва беда асосий рўйхатга киритилади.

Шунга қарамасдан, ҳосилдорлик бўйича ер майдонларини иқтисодий баҳолашнинг асосий мушкул томони шундан иборатки, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги уларни етиштиришга сарфланган харажатларнинг тенглиги шароитида ерларнинг сифатини белгилайди. Бундан ташқари, умуман олганда, бу кўрсаткич ерларнинг унумдорлиги тўғрисида тўла маълумот бера олмайди. Хилма-хил қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини тўлароқ аниқлашга ялпи маҳсулотнинг қиймати ҳамда табақаланган даромад каби пул қийматидаги кўрсаткичлар хизмат қилиши мумкин.

Олинган кўрсаткичлар асосида кадастр райони бўйича ер майдонларини иқтисодий баҳолаш шкаласи тузилади. Баҳолаш шкаласи жадвал кўринишида бўлиб, ер турлари бўйича барча баҳолаш бирликларини маҳсулдорлиги ва унумдорлиги даражасини нисбий кўрсаткичларда ёритади. Шкала асосан ер майдонларининг сифатини характерлайдиган турли кўрсаткичлар бўйича тузилади. Деҳқончиликнинг самарадорлик даражаси ишлаб чиқариш харажатларининг миқдори билан, ишлаб чиқариш унумдорлиги -харажатларни қоплаш билан, даромад даражаси-табақаланган даромаднинг қиймати билан аниқланади.

Баҳолаш шкалалари тупроқ гуруҳлари бўйича ҳисобланган баҳолаш кўрсаткичларини нисбий қийматларда (балларда) қайта ҳисоблаш йўли билан тузилади. Бунда суғориладиган минтақалар бўйича асосан ёпиқ минтақа

тузилади, қайсики бу шкалада энг юқори сифатга эга бўлган ерларнинг кўрсаткичлари 100 баллга тенгланади.

Ер - баҳолаш ишларини қуйидаги босқичларда ўтказиш белгиланган: тайёргарлик ишлари, ер майдонларини районлаштириш тупроқларнинг агроишлаб чиқариш гуруҳларини аниқлаш, баҳолаш шкалаларини тузиш мақсадлари учун ҳосилдорлик ва ҳаражатларнинг базис қийматларини ҳисоблаш, хўжаликларда ер баҳолаш ишларини ўтказиш баҳолаш материалларини қараб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, ер - баҳолаш ҳужжатларини тайёрлаш ва тарқатиш.

Шкалалар тузиш учун иқтисодий баҳолашнинг объекти бўлиб ер баҳолаш гуруҳлари хизмат қилади. Ҳар бир ер баҳолаш гуруҳи учун иқтисодий - статистик маълумотлар бўйича хўжаликлар танланади. Ҳар бир гуруҳ бўйича кўрсаткичларнинг ўртача қийматлари ҳисобланади.

Ҳар бир ҳисоблаш гуруҳини тавсифлаш мақсади учун танлашга шундай хўжаликлар киритиладики, қайсики бу хўжаликлар ҳайдалма майдонлари ёки қишлоқ хўжалик ерларининг 75 фоиздан ортиғи бир тупроқ гуруҳига, қолгани ҳам унумдорлиги бўйича асосий гуруҳдан кам фарқ қиладиган гуруҳга кирган бўлиши зарур.

Ҳар бир ер ҳисоблаш гуруҳнинг экинлар ва ер турлари бўйича типик танлашнинг ўртача кўрсаткичлари умумий ҳамда хусусий баҳолаш шкаласининг асосини ташкил қилади. Бунда ҳар қайси гуруҳнинг энг юқори кўрсаткичлари 100 балл деб қабул қилинади ва бир баллнинг миқдорий қиймати аниқланади. Шундан кейин ҳамма ер майдонларининг тупроқ гуруҳлари бўйича баллар ҳисобида баҳолаш кўрсаткичлари ҳисобланади. Вилоят бўйича баҳолаш шкалалари ҳамда ер баҳолаш гуруҳларининг майдонларига эга бўлган ҳолда вилоят, туман ва хўжаликлар бўйича иқтисодий баҳолашни амалга ошириш мумкин.

Маъмурий туман чегарасида ер баҳолаш ишларини ўтказиш асосан алоҳида хўжалик майдонларига ер материалларини умумлаштирган ҳолда жами туман бўйича баҳолаш кўрсаткичларини ўртача келтирилган қийматларини аниқлашдан иборат. Бунда икки ҳолат кузатилиши мумкин: биринчи- маъмурий туман барча ҳудуди бир кадастр райони чегарасида жойлашган бўлса, иккинчи - ҳолатда маъмурий туман ерлари икки ёки ундан ортиқ кадастр районлари таркибида бўлиши мумкин.

Биринчи ҳолатда ер баҳолашнинг ўртача келтирилган кўрсаткичлари туманнинг барча ерлари учун битта шкала бўйича аниқланади. Кейинги ҳолатда эса ўртача келтирилган кўрсаткичлар турли кадастр районлари таркибига кирган ҳудудий туман қисмлари учун алоҳида шкалалардан олинади.

2.4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

Меҳнат муҳофазаси ҳақида асосий тушунча. Меҳнат муҳофазаси иш жараёнида инсон хавфсизлиги, саломатлиги ва қобилияти оширишни таъминловчи қонунлар системаси ҳамда уларга мувофиқ келадиган социал – иқтисодий, ташкилий, техникавий, гигиеник ва даволаш профилактикаси тадбирлари ҳамда воситалари.

Иш жойларида тўлиқ зарарсиз ва хавфсиз ишлаш учун шароит яратиш амалда мумкин эмас. Шу сабабли меҳнат муҳофазасининг вазифаси зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларининг ишловчиларга таъсирини энг кам даражага келтиришга имкон берадиган чора – тадбирларни кўришдан, ишчиларнинг шкастланиши олдини олишдан, юқори меҳнат унумдорлигига эришишга ёрдам берадиган қулай шароитларни яратишдан иборат.

Техника хавфсизлиги ишловчиларга ишлаб чиқаришда техника хавфсизлигини, унинг олдини олишдаги ташкилий чора – тадбирлар ва техника воситалари системаси.

Ёнғин хавфсизлиги объекти ёнғин пайдо бўлиш хафни олдини олиш, шунингдек моддий бойликларни муҳофаза қилишдан иборат.

Ишлаб чиқариш санитарияси ишлаб чиқаришдаги зарарли омиллар таъсирини олдини оладиган чора – тадбирлар ва техника воситалари системаси.

Ишлаб чиқаришдаги хавфли омил ишлаб чиқаришда ишловчиларга муайян шароитларга таъсир этганда шикастланишга ёки соғлиқнинг кескин ёмонлашувига таъсир этадиган омил. Бунга мисол қилиб, ҳаракатланаётган машина, трактор, юк кўтариш воситалари билан кўтариладиган юк, машина ва механизмларнинг муҳофазаланмаган айланувчан ва қайтма – илгариланма ҳаракат қилувчи қисмлар (карданли, занжирли, тишли, тасмали узатма) нинг ҳаракати хавфли омиллар қаторига киради.

Ишлаб чиқаришдаги зарарли омил ишчиларга иш вақтида таъсир этиб касалланишга ёки иш қобилиятининг пасайишига олиб келадиган омил. Зарарли омилларга нефт маҳсулотлари (бензин, дизел ёнилғиси буғлари, пестицидлар, минерал ўғитлар, чанг, шовқин, вибрация (тебраниш) иш жойида намликни ортиши ёки кучли ёритилганлиги, иқлим шароитлари) ва бошқалари киради.

Электр хавфсизлиги кишиларни электр токи, электр ёйи, электромагнит майдонинг зарарли ҳамда хавфли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлайдиган ташкилий ва техник чора – тадбирлар системаси.

Шикастланиш ишлаб чиқаришдаги зарарли ёки хавфли таъсирлар натижасида инсон органлари ёки тери қоплама физиологик бир бутунлигининг бузилиши.

Меҳнат шароити меҳнат жараёнида инсоннинг саломатлиги ва иш қобилиятига таъсир этадиган омиллар мавжуд.

Шаҳсий химояланиш воситалари бир ходимни муҳофаза қилиш учун хизмат қиладиган воситалар. Шаҳсий химояланиш воситаларига – иш кийими, пойафзал, газ ниқоблар, респираторлар, ниқоблар, шлемлар, химоя кўзойнаклари, қулоқчилари ва бошқалар киради.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса иш вақтида юз берадиган ходиса. Касб касаллиги киши организмига иш шароитларининг зарарли таъсири натижасида келиб чиққан (сурункали чангли бронхитлар, титраш касаллиги, ҳар хил кимёвий препаратлар билан заҳарланиш) касалликдир. Иш жараёнида ҳаво таркибидаги зарарли моддаларни меъёрий рухсат концентрацияси (МРК) – 8 соатли ёки бошқа иш куни, шунингдек ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлмаган, ишлаши давомида касаллик ёхуд соғлиғида ўзгаришлар келтириб чиқармайдиган миқдор.

Одам – машина – ишлаб чиқариш муҳит системаси. Меҳнат предмети ёрдамида ташқи муҳит таъсирида натижасида ишчи билан амалга ошадиган меҳнат жараёни – одам – машина ишлаб чиқариш муҳитини ташкил этади.

Одам – машина системаси шундай система тушуниладики, улар машина одам – оператор йиғиндисидан ташкил топган бўладики, у меҳнат фаолиятини, иш жойида амалга оширилади . Бу системада машина деб техник воситалар йиғиндисига айтилади, булардан одам ўз иш фаолияти ва меҳнат жараёнида фойдаланади.

Операторнинг жароҳатланишини, касб касаллигини бартараф этиш ва иш самарасини ошириш учун системанинг ишлашини юқори даражада таъминлаш керак. Лекин қишлоқ хўжалигида ишлаш вақтида чанг, тебраниш, шовқин ва бошқалар натижасида вужудга келадиган ҳодисалар системасининг бузилишига олиб келади. Шунингдек, операторнинг иш шароитига ҳаво намлиги, ҳарорат, (жамоадаги руҳий ҳолат, меҳнат интизоми ва бошқалар) таъсир қилади. Ишчиларни жароҳатланишидан сақлаш

мақсадида одам системаси машина ҳар хил кўрсаткичларга қараб оптималлаштирилади, яъни эргономик талаблар ва кўрсаткичлар, эргономик хусусиятлар таъсир этади. Шахснинг эргономик хусусиятлари антропометрик, физиологик, гигиеник хусусиятлар билан белгиланади. Одам – машина системасининг фаолияти самарадорлик кўрсаткичларига боғлиқ.

Антропометрик параметрлар эргономик талабларни аниқлайди ва шахсни буюмга муносабатини антропометрик хусусиятларини аниқлайди. Психофизиологик хусусиятлар – қурол, меҳнат маҳсулоти ва муҳитни биргаликда сезги орган (эшитиш, кўриш, ҳис этиш ва бошқалар) ларнинг функционал ишлашга мутаносиблиги. Гигиеник хусусиятлар одам – машина-система жамланмасини ҳаёт ва фаолият гигиеник шароитларини ва ишчининг иш қобилиятини етиштирилган маҳсулотнинг муҳит билан боғлиқлигини аниқлайди. Руҳий хусусиятлар инсоннинг ўзига руҳий (фикирлаш, тажрибани мустаҳкамлиги даражаси ва бошқалар) фаолияти, маҳсулот етиштиришда муҳитга мосланишини таъминлашга йўналтириш.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси ва шароитнинг ўзига хослиги. Ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш замонавий техника билан жиҳозланганлиги, яъни унинг техника ва технологиянинг такомиллашиб туриши, ишлаб чиқариш жараёнинг интенсивлашуви, программалаштириш, ҳосилни юқори сифат даражасида топшириш билан фарқ қилади. Бунда ишларнинг даврийлиги ва мавсумийлиги, фойдаланилаётган энергиянинг турлилиги (механик, иссиқлик, электр, ёруғлик ва бошқалар), материал ва моддалар (қаттиқ , суюқ, газсимон)нинг ҳар хиллиги, йиғиштирилаётган ҳосилнинг об – ҳаво ва бошқа сабабларга боғлиқлигини, меҳнат шароитларини меъёрлаштиришда ҳисобга олиш керак. Меҳнат шароитларини яхшилаш ишлари бир қанча омилларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Барча ишлаб чиқариш омиллари қуйидагиларга бўлиниши мумкин: ташкилий, санитария – гигиена, табиий – иқлим, иқтисоди.

Ташкилий омил корхонада қабул қилинган иш ва дам олиш тартиби, ишни ташкил этилиш шакли ва интизом, ишчиларни махсус кийим, шахсий ҳимояланиш воситалари билан таъминланганлиги, шунингдек, меҳнат жараёни ёстидан қилинадиган назоратнинг ҳолати ва хусусан меҳнат муҳофазаси, ишчиларнинг профессионал таёргарлик даражаси ва бошқалардир.

Техник омил ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси, бошқарувида электрон-ҳисоблаш техникаларини қўлланилиши, воситаларининг созлиги ва етарлилиги, хавфли доираларнинг ҳимояланганлиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

1. Нивелир полигонометрия ишлари. Бу ишларни олиб бориш учун куп холларда темир ва автомобиль йуллари ёки (буйи) режалаштирилади. Бу холларда утувчи транспортдан жароҳатланиш хавфи тугилади. Агар ишлар темир йул чегарасида олиб борилса бу Вазирлик ва темир йул маҳаллий раҳбарияти коид ва инструкцияларини бажарилиши талаб қилинади.

Иш раҳбари поездлар утиш жадвали билан танишиши керак. Ишдан олдин бригаданинг хийма аъзолари инструктаждан утиши керак. Ишчилар киядиган кийимлар оғохлантрувчи кизгиш-сарик, рангда булиши керак.

Автомобил йулларида иш олиб борилганида йулнинг транспорт катновчи қисмида узок муддат турмаслик керак. Қул асбобларини факат йул четларига қуйиб туришга рухсат берилади, Йулда катнаганда (юрганда) автотранспортга қарама-арши юриши керак.

Йул устида иш олиб борганда иш жойидан ҳар томонда 120-180 м. Масофада оғохлантрувчи белги “Бошка турдаги ҳафлар” қйилади; иш жойининг атрофида қизил рангдаги атрофини ураб утувчи ҳимоя мосламаси қуйилади. Йулларнинг ҳар иккала турида ҳам қучли шамол, туман ва емгирда, яшин ҳавфида, йул музлаганда ишлаш тақиқланади.

Ишга кабул килиши даврида кузги ва кулоъи ожиз кишиларни , хушидан кетиб колувчиларни йулларда ишлашга рухсат берилмайди.

2. Самолётда расмга тушириш. Самолётда расмга туширишдан олдин бу самолётларнинг ишга тайёрганлиги астойдил текширилади, яъни кул асбоблари комплектлиги, эхтиёт кисмлар ва скилги етарлиги ва хакозо.

Авиаотория буйруъи расмга тушириш партияси бошлиъи тайинланади. Бу шахс партиянинг ишлаб-чикариш, техник ва хужалик фаолиятига жавоб беради.

Корабл командири ва расмчи -штурман учишидан олдин иш бажариладиган район обу-хаво шароитларини , эхтиёт аэродроми бор-йуклиги ва бошка маълумотларни оладилар.

Расмга тушириш-учиш жараёнида корабл командири партия бошлиъи билан мунтазам алока боълаб туради, унга обу-хаво, узокни кура-билиш тугрисида маълумот бера боради ва зарур холларда унинг буйруъи билан учишни тухтатади.

**3-БОБ. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТАЧИРЧИҚ
ТУМАНИ “ҚАЙТМАС” МАССИВ ЕРЛАРИНИ
БАҲОЛАШ КАРТАСИНИ ТУЗИШДА
ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАР**

3.1. Объект электрон карталар автоматлашган тизимини яратиш масалалари

Ҳозирги кунда компьютер технологиялари, электрон ҳисоблаш машина (ЭҲМ)лари инсон ҳўжалик фаолиятининг ажралмас таркибий қисмига айланиб бормоқда. Бундай технологияларни амалиётга жорий қилмай туриб ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаб бўлмайди.

Ҳар бир соҳани автоматлаштириш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Чунки соҳага бундай ёндашув аввало, инсон меқнатини енгиллаштиради, бошқарувни тез ва барқарор бўлишини таъминлайди, давлат ҳамда инсонлар манфаатини қимоялайди, ривожланишни изчил боришида имкониятлар яратади. Буни моқиятини чуқур хис этган ҳолда ер кадастри соҳасида қам иш жараёнини автоматлашган тарзда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ер кадастрининг автоматлашган тизимини яратиш республикамиз ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишда, бошқариш, асраб-авайлаш, давлат ва мулкдорлар манфаатларини қимоя қилишда, ҳамда соқада бошқарувни марказлашган тарзда изчил ва барқарор бўлишини таъминлашда катта ақамият касб этади.

Ер кадастри автоматлашган тизими (ЕрКАТ)-ер ресурслари ер кадастрига доир кўп мақсадли ахборотларнинг мажмуали автоматлашган тизимидир.

ЕрКАТ ер кадастрининг геоахборот (ГАТ) тизимларига асосланган бўлади. Баъзи қолларда бу иккала тизимнинг ўртасидаги фарқи деярли сезилмай қолади. Чунки ЕрКАТ ва ЕрГАТ ташкил қилиниш тамойиллари, мазмун ва моҳияти билан бир бирига ўхшаб кетади. Бу икки тизим бири бирини ўзаро тўлдириб келади.

Соҳада автоматлашган тизимга ўтмай туриб, геоахборот тизимлари (ГАТ)ни яратиб бўлмайди.

Ер кадастрининг автоматлаштирилган тизимини ташкил этиш тамоийиллари:



- ◆ республиканинг барча қудудларини қамраб олиш;
- ◆ марказлашган бошқарув;
- ◆ ер кадастри ахборотлари тақдимоти ва қайта ишлашнинг ягоналиги;
- ◆ жойларда амалиётда ягона координаталар ва топоасосларни қўллаш;
- ◆ ер кадастри негизида бошқа кадастр тизимларини бирлаштириш ва Давлат кадастрларининг ягона тизимига қўшилиш;
- ◆ замонавий геоахборот тизимларининг технологияларидан фойдаланишдан иборат.

Ер ресурсларини бошқариш ва ер кадастрини амалга оширишнинг анъанавий кўринишидан автоматлашган кўринишга ўтишида ўз олдига бир неча асосий талабларни қўяди:

- ◆ мавжуд тизимда ҳудудий ривожланишни таъминловчи ахборотлар ўзаро бўлинган ва тарқоқ ҳолда эди, бу ўз навбатида бошқарув жараёнида талайгина қийинчиликлар туғдиради. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, бошқарувда тизимли ,ёндашувни зарурийлик талаблари;
- ◆ талайгина кадастр ахборот (чизма ва атрибут маълумотлар)ни муфассал равишда қайта ишлаш ва тақдимот тезлигини таъминлаш талаби;
- ◆ иш жараёнини ташкил этишда компьютер технологияларига қўйиладиган талаблар ва хоказо.

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигини ривожлантириш ишлари билан ўзининг таркибий бўлинмаларига эга бўлган мустақил идоралар шуғулланади. Булар ўртасида ўзаро ахборот алмашиш сусти бўлиб, давлат ер кадастри автоматлашган тизимини яратишда ва уни замонавийлаштиришда қийинчиликлар туғдиради. Бундай қолат кадастр ахборотларини йиғиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш ишларини ташкил этишда тизимли ёндашув зарурийлигини кўрсатади. Бунга эса соқани автоматлаштириш орхали

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА МАССИВДА ТУПРОК СИФАТ БАХОСИ

[illegible][illegible]

Иқлими Иқлим шароитига кўра “Қайтмас” массиви ҳудуди субтропик тоғ олди ярим чўл зонасига киради. Иқлимнинг асосий кўрсаткичлари бўлиб, ёғин миқдорининг кам бўлиши, ёзда ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши, қишнинг нисбатан совуқ келиши, қурғоқчилик юқорилиги, ёз ойларида бўғланишнинг кўп бўлиши ҳисобланади.

50

ўртача ҳарорати $+13,8^{\circ}$, энг иссиқ ҳаво июль ойида $+41^{\circ}$, Энг совуқ ҳаво -29° ни. Қишнинг қаттиқ совуқ кунлари кам учрайди. (жадвал)

Ёғингарчилик миқдори асосан куз, қиш ва баҳорги даврларга тўғри келади. Июл, август ва сентябр ойларида ёғингарчилик нисбатан кам учрайди. Йиллик ёғин миқдори 352 мм ни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигининг ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишлари учун иқлим шароитлари қулай ҳисобланади. Биринчи кузги совуқ кунлар октябр ойининг иккинчи ярмига тўғри келади. Вегетация давридаги фойдали ҳароратлар йиғиндиси $2500-2600^{\circ}$ га тенг. Иқлим шароити бўйича массивда қишлоқ хўжалик экинларини экиш муддати апрел ойининг биринчи ярмига тўғри келади.

Иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

«Қовунчи Метео- станция	Ойлар												Ўртача йиллик
	I	II	III	IV	V	VI	VI I	VII I	IX	X	XI	XI I	
Ҳавонинг ўртача йиллик даражаси (°C)													
Ўртача	- 1, 1	1,4	7,8	14, 7	20, 2	24, 9	26, 7	24, 8	19, 2	12, 6	6,6	1,8	13,8
Макс.	2 1	24	30	35	40	42	41	39	38	36	30	24	41
Мин.	- 2 6	-24	-23	-5	4	7	8	9	2	-7	-20	-30	-29
Ёғин миқдори, мм													
Ўртача	4 7	40	63	49	29	12	4	1	4	23	40	47	352

Релъефи. “Қайтмас” массиви ҳудуди ерлари шимолга нисбатан қияликда жойлашган. Массив далаларининг текислилиги қониқарли даражада.

Тупроғи. Массив субтропик тоғ олди ярим чўл минтақасида жойлашган бўлиб, суғориладиган ўтлоқи тупроқлар, суғориладиган тўқ тусли ўтлоқи тупроқлар, типик бўз тупроқлардан ташкил топган. Бу тупроқлар ўзининг суғориш даври маданийлашганлиги, механик таркиби, гумус қатламининг қуввати ва бошқа белгиларига қараб гуруҳларга бўлинган.

Массив ҳудудининг тупроқлари ўзининг хусусиятларига қараб 8 та тупроқ айирмасига ажратилган, шундан 6 таси қишлоқ хўжалик ерлари, 1 таси қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар, 1 таси аҳоли яшайдиган ерларидир.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани “Қайтмас” массивининг тупроқ экспликацияси

№ тупроқ айирмалари	Ўзлаштириш даври ва маданийлашганлиги	Механик таркиби			Шўрланиш даражаси	Ювилиш даражаси	Майдони, га		Бонитет балли
		0-30 см	30-100см	100- 200см			Умумий	Ҳайдалма ерлар, кўп йиллик дарактзорлар	
Субтропик тоғ олди ярим чўл минтақаси Типик бўз тупроқлар минтақаси. Лёссимон ётқизиклар билан қопланган Чирчиқ дарёсининг 3- қайир усти террасаси.									
1.Суғориладиган типик бўз тупроқлар.									
1	Эскидан суғориладиган ўртача маданийлашган	Оғир кумок	Оғир кумок	Оғир кумок	Шўрланмаган	Ювилмаган	160	119/5	71
2	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Оғир кумок	Оғир кумок	Оғир кумок	Кам шўрланган	Ювилмаган	57	17/2	73
3	Янгидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Оғир кумок	Оғир кумок	Оғир кумок	Шўрланмаган	Ювилмаган	32	18/5	72
4	Янгидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Оғир кумокли	Оғир кумокли	Оғир кумокли	Шўрланмаган	Ювилмаган	667	530/8	60
2. Суғориладиган ўтлоки-бўз тупроқлар.									
5	Янгидан суғориладиган кам маданийлашган	Оғир кумокли	Оғир кумокли	Оғир кумокли	Шўрланмаган	Ювилмаган	15	6/1	45
6	Янгидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Ўрта кумокли	Ўрта ва оғир кумок	Оғир ва енгил кумок	Шўрланмаган	Ювилмаган	563	430/16	47
7	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар						108	-	-
8	Аҳоли яшаш жойлари ерлари (қурилишлар)						5	-	-
	Жами						2126	1550/38	

Ўртача 60 балл

3.3. Массив ерларини баҳолаш планини электрон рақамли кўринишда яратишнинг афзалликлари.

Ер кадастрининг электрон рақамли карталарларини лойихалаштириш ва тузишнинг долзарблиги, унинг яратилиш босқичлари ҳамда уларни яратишда қўлланиладиган картографик усулларни илмий ўрганиш асосий вазифалардан бири саналади.

Юқорида ёритилган фикрларни амалда қўллаш мақсадида Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманининг 1:100000 масштабдаги электрон рақамли карталарси яратилди. амалга оширилган энг муҳим ишлардан яна бири электрон рақамли карталар яратиш куннинг долзарб масаласи эканлигини чуқур англаган ҳолда унинг афзалликларини назарий асослари ишлаб чиқилганлигидир.

Карталар барча кадастр турлари учун зарурий маълумот манбаи эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, карталарни замонавий ЭХМлар ёрдамида яратиш ҳамда географик ахборот тизимларни барпо этишдан барча соҳа вакиллари манфаатдордирлар.

Географик ахборот тизимлар ёрдамида кадастр карталари яратилганда вақт мобайнида ўзгарадиган маълумотларни киритиш карта материалларини янгилаш жараёнлари ҳам бир мунча аниқ, тез, ишончли ҳамда самарали тарзда амалга оширилади.

Бугунги кунда техниканинг тез ривожланиши муносабати билан электрон рақамли карталар тобора ҳаётимизга кенг кириб келмоқда. Бу эса юқори сифат, қисқа вақт ва юқори самарани таъминлайди.

Электрон рақамли карталар ЭХМ воситалари ёрдамида чизилганда кадастр ишларининг самарадорлиги, аниқлиги ва тежакорлиги юқори даражада бўлади. Бу ишлар ҳам 2 хил шароитда амалга оширилади.

1. Дала шароити. Бунда ишлар юқори даражали техника воситалари: GPS приёмниклари, электрон тахеометр ва бошқалардан фойдаланилади. Камерал шароит. Бундай шароитда майдонларни ҳисоблаш ва картани

тайёрлаш ишлари бажарилиб, барча маълумотлар компьютерга киритилади ва вектор ҳолатга келтирилади ва янги электрон рақамли карта тайёр бўлади.

Тайёр бўлган электрон рақамли карта картография фабрикасига юборилмай жойнинг ўзида “плоттер” принтер ёрдамида рангли тасвирда нашрдан чиқарилади.

Шу билан бирга вақт ўтиши билан карталар эскириб, мазкур картани янгилаш анъанавий усулда бажарилганда узоқ вақт ва яна кўп маблағ талаб этилади. ЭХМ воситалари ёрдамида тайёрланган электрон рақамли карталар эса компьютер хотирасида сақланган бўлади ва уни керакли вақтда чақириб олиниб, қисқа вақт ичида ўзгартиришлар киритиб янги карталарни ҳосил қилиш мумкин.

Юқоридаги фикрлар ер кадастри карталарини геоахборот тизимларидан фойдаланаган ҳолда яратиш анъанавий усулга қараганда бир неча бор афзал эканлигидан далолат бериб турибди. Бу билан аввало вақт ва маблағ тежамкорлигига эришиш, сифат даражасидан юқори самараларни қўлга киритиш мумкин.

ХУЛОСА

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқлаган қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қатор меъёрий ҳужжатлар ерлардан фойдаланишни ташкил этишга йўналтирилган асосий давлат тадбири ҳисобланган ер кадастрига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Натижада ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишда янги шакллар вужудга келди ҳамда ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар доираси кенгиши натижасида картографик махсулотларнинг янги авлодларини яратиш, ер кадастри карта ва планларини географик ахборот тизимлари манбалари асосида лойихалаш ва тузиш вазифалари қўйилди.

Ҳозирги кунда компьютер технологиялари, электрон ҳисоблаш машина (ЭҲМ)лари инсон хўжалик фаолиятининг ажралмас таркибий қисмига айланиб бормокда. Бундай технологияларни амалиётга жорий қилмай туриб ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаб бўлмайди.

Ҳар бир соҳани автоматлаштириш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Чунки соҳага бундай ёндашув аввало, инсон меҳнатини енгиллаштиради, бошқарувни тез ва барқарор бўлишини таъминлайди, давлат ҳамда инсонлар манфаатини ҳимоялайди, ривожланишни изчил боришида имкониятлар яратади. Буни моҳиятини чуқур ҳис этган ҳолда ер кадастри соҳасида ҳам иш жараёнини автоматлашган тарзда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ерларни баҳолашнинг автоматлашган тизимини яратиш Республикамиз ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишда, бошқариш, асраб-авайлаш, давлат ва мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилишда, ҳамда соҳада бошқарувни марказлашган тарзда изчил ва барқарор бўлишини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Ер кадастри ерларни баҳолаш автоматлашган тизими - ер ресурслари, ер кадастрига доир кўп мақсадли ахборотларнинг мажмуали автоматлашган тизими эканлиги эътироф этилган.

Соҳада автоматлашган тизимга ўтмай туриб, геоахборот тизимлари (ГАТ)ни яратиб бўлмайди.

"Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Қайтмас номли массивида ерларни баҳолаш картасини тузиш" мавзусида бажарилган битирув малакавий ишидаги масала, карталарнинг янги авлодини яратиш, қўрилган муаммоларнинг ечиш олиб борилаётган ишларни янада изчиллашаётганидан дарак беради деб ҳисобласа бўлади.

Юқоридаги фикрлар ерларни баҳолаш планлариини геоахборот тизимларидан фойдаланаган ҳолда карта яратишни қоғозли усулга қараганда бир неча бор афзал эканлигидан далолат бериб турибди. Бу билан аввало вақт ва маблағ тежамкорлигига эришиш, сифат даражасидан юқори самараларни қўлга киритиш мумкин.

***ФОЙДАЛАНИЛАН АДАБИЁТЛАР
ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ***

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Шарқ.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.Ўзбекистон.
3. Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2009
4. Ер муносабатларини тартибга солишга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. I-жилд. Т.: Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси, 2000.
5. Аvezбаев С., Волков С.Н. Ер тузишнинг илмий асослари. Т.: «Янги аср авлоди», 2002
6. Аvezбаев С., Волков С.Н. Ер тузиш иқтисоди. Т.: «Янги аср авлоди», 2002
7. Аvezбаев С., Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш. Т.: «Янги аср авлоди», 2004
8. Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р., Ғофиров А.Ж. Ер кадастри. Т.: ТИМИ, 2008.
9. Қурбонов Э.Қ., Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р. Ер кадастри асослари. Т.: ТТЕСИ, 1999
10. Нурматов Э., Ўтанов Ў. Геодезия. Т.: Ўзбекистон, 2002
11. Мирзалиев Т., Мусаев И.М. Картография. Т.: «Илм Зиё», 2007
12. Мусаев И.М. Ижтимоий-иқтисодий картография. Т.: ТИМИ, 2008
13. Баратов П. Табиатни муҳофаза қилиш. Т.: Ўқитувчи, 1991.
14. Ер ҳуқуқи. / М.Ҳ. Рустамбоев таҳрири остида. Дарслик. Т.: Тошкент юридик институти, 2002.
15. «Қишлоқ хўжалик корхоналарида ер ҳисоби» мавзусидаги босқич ишини бажаришга услубий кўрсатма. Туз. Бобожонов А.Р., Рузибоев С.. Т.: ТИМИ, 2001
16. «Ер тузиш ва ер кадастри» йўналишлари бўйича малакавий битирув ишини бажаришга услубий қўлланма. Туз. Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р. Т. ТИҚХМИИ, 2000

17. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. Т.: «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси, 2008
18. Раклов В.П. Географические информационные системы (ГИС) в тематической картографии. – М.: ГУЗ, 2003.
19. Сафаров Э.Ю., Мусаев И. М., Абдурахмонов С.Н. “Геоахборот тизим ва технологиялар” фанидан амалий машғулотларни ўтказиш бўйича методик кўрсатма. Тошкент - 2011 йил
20. Интернет маълумотлари: <http://www.colibri.ru>.

И Л О В А

Ерларнинг меъёрий кийматини ҳисоблаш.

Тартиб рақами	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Жами
1.	Тупроқ бонитетининг ўртача-балли	балл	
2.	Бир гектар хайдалма ердан олинган ялли маҳсулотнинг меъёрий баҳоси	минг сум	
3.	Фойда меъёри	%	
4.	Меъёрий соф даромад(2х3):100	минг сўм	
5.	Банк ссудасининг фоизи	%	
6.	Хўжалик юритиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг интенсивлиги даражалари бўйича коэффициенти		
7.	Вир гектар ернинг базавий меъёрий баҳоси (4х6х100:5)	минг сўм	
8.	Жойлашган ўрни бўйича коэффициент		
9.	Маҳаллий шароит бўйича коэффициент		
10.	Бир гектар ернинг меъёрий баҳоси (7х8х9)	минг сўм	
11.	Умумий майдон	Га	
12.	Ер участкасининг ялли меъёрий баҳоси	минг сўм	

Ўзбекистон Республикаси тупроқларининг сифат баҳоси

(суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлар жами майдони, га.)

Тартиб рақами	Республика ва вилоятлар номи	Кадастр гуруҳлари										Суғори- ладиган ер майdonи, га	Ўртача бонитет бали 2009 й.
		Ёмон ерлар		Ўртачадан паст ерлар		Ўртача ерлар		Яхши ерлар		Энг яхши ерлар			
		Кадастр класслари											
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X		
		Бонитет бали											
		0- 10	11-- 20	21-30	31-40	41-50	51-60	61-70	71-80	81-90	91- 100		
1	Қорақалпоғистон Республикаси		1919	29810	237202	69846	46458	24497	6801			416533	41
2	Андижон		311	9593	34322	39801	45187	50547	38267	6015	35	224078	57
3	Бухоро		1038	16521	57391	42070	55294	40843	19456	83		232696	50
4	Жиззах			2132	22885	144604	60886	28975	10178	1399	-	271059	51
5	Қашқадарё			3455	71977	198976	87416	50375	25003	8177		445379	51
6	Наманган		235	13499	45776	47117	36667	32553	33383	18181	1301	228712	59
7	Навоий		410	6456	19606	20393	20705	20687	12213	1705	-	102175	53
8	Самарқанд		41	2044	29478	72263	89756	57187	38321	16770	547	306407	57

9	Сурхондарё		704	11047	43203	59838	79317	50049	20985	6915		272058	56
10	Сирдарё			1739	36344	93772	60918	51580	7694	8		252055	51,5
11	Тошкент		23	2562	15565	59284	93620	102280	41138	10179	2	324653	59
12	Фарғона		1426	8043	59139	56142	58386	67580	33001	5570	452	289739	56
13	Хоразм		625	8839	46296	34932	82052	49291	11848	102		233985	53
Республика бўйича			6732	115740	719184	939038	816662	626444	298288	75104	2337	3599529	55

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани “Қайтмас” массивининг тупроқ экспликацияси

№ тупроқ айирмалари	Ўзлаштириш даври ва маданийлашганлиги	Механик таркиби			Шўрланиш даражаси	Ювилиш даражаси	Майдони, га		Бонитет балли
		0-30 см	30-100см	100- 200см			Умумий	Ҳайдалма ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар	
Субтропик тоғ олди ярим чўл минтақаси Типик бўз тупроқлар минтақаси. Лёссимон ётқизиклар билан қопланган Чирчиқ дарёсининг 3- қайир усти террасаси. 1.Суғориладиган типик бўз тупроқлар.									
1	Эскидан суғориладиган ўртача маданийлашган	Оғир кумок	Оғир кумок	Оғир кумок	Шўрланмаган	Ювилмаган	160	119/5	71
2	Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Оғир кумок	Оғир кумок	Оғир кумок	Кам шўрланган	Ювилмаган	57	17/2	73
3	Янгидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Оғир кумок	Оғир кумок	Оғир кумок	Шўрланмаган	Ювилмаган	32	18/5	72
4	Янгидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Оғир кумоқли	Оғир кумоқли	Оғир кумоқли	Шўрланмаган	Ювилмаган	667	530/8	60
2. Суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлар.									
5	Янгидан суғориладиган кам маданийлашган	Оғир кумоқли	Оғир кумоқли	Оғир кумоқли	Шўрланмаган	Ювилмаган	15	6/1	45
6	Янгидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Ўрта кумоқли	Ўрта ва оғир кумок	Оғир ва енгил кумок	Шўрланмаган	Ювилмаган	563	430/16	47
7	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар						108	-	-
8	Аҳоли яшаш жойлари ерлари (қурилишлар)						5	-	-
	Жами						2126	1550/38	

Ўртача 60 балл

